

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “6” январь

№ПК-4096

“ ” 20 г.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўтган даврда мамлакатнинг суд-хуқук соҳасида чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва унинг нуфузини ошириш, судлар фаолиятида одил судловни амалга ошириш бўйича қонунийликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, суд-хуқук соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлили профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун зарур юқори стандартларни жорий этишга салбий таъсир кўрсатаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

биринчидан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлашнинг амалдаги тартиби самараси паст бўлиб, кўп ресурс сарфлашни талаб этади, бу суд кадрларининг малакали захирасини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда;

иккинчидан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги ўқув режалари ва дастурлари, шунингдек бу борадаги ишларни ташкил этишга доир ёндашувлар ўқув жараёнининг хукуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқлигини лозим даражада таъминламаяпти ва замонавий талабларга жавоб бермаяпти;

учинчидан, судьяликка номзодларнинг стажировкасини уларни асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ташкил этишнинг самарасиз тизими улар томонидан зарур амалий кўникмаларни эгаллашни рағбатлантирмаяпти;

тўртинчидан, эскирган ўқув-услубий база ва илмий-тадқиқот фаолияти ҳамда ўқув жараёнининг хукуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ эмаслиги тингловчиларда қарорлар қабул қилишда ижодий ёндашувсиз “қолипли фикрлаш”нинг шаклланишига олиб келмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Куйидагилар судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳукуқ нормалариша шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан илмий-тадқиқот фаолияти ва ўкув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш;

судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳукуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш.

2. 2019 йил 10 январдан бошлаб куйидаги тартиб жорий этилсин:

судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

касбий билимларни чукурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, шунингдек иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун ва моҳиятини етказишга, касбий, жумладан ҳукуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилади;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сакланади;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курслари тингловчиларига судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдорида стипендия тўланади;

судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг буюртмаси асосида амалга оширилади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ўқиш давомида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртacha ойлик иш ҳақи сақланади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффакиятли тамомлаган шахслар тайинланади;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқиш дастурини бажармаган ёки таклиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этган тингловчилар ўқиш даврида олинган стипендия суммасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб беради.

Судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги тартиби 2019/2020 ўкув йили тугагунга қадар сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди ва Адлия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб)ни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг 12 та штат бирлигини Олий мактабга ўtkазиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилансинки, Олий мактаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Олий мактаб Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг хукуқ ва мажбуриятлари бўйича хукуқий вориси ҳисобланади;

Олий мактабга Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қиласи;

Олий мактаб директори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринbosарига, Олий мактаб директорининг ўринbosарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринbosарига тенглаштирилади;

Олий мактаб директори лавозими бўйича бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси ҳисобланади;

Олий мактаб профессор-ўқитувчилар таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун, Олий мактабнинг бошқа ходимларига – Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

Олий мактабнинг маҳсус унвонлар ва мансаб даражаларига эга бўлган ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди учун белгиланган тартибда маҳсус унвонлар ва мансаб даражалари берилади, кўп йиллик хизматлари учун устамалар ва қўшимча тўловлар тўланади, ушбу шахсларнинг Олий мактабда ишлаган даври маҳсус унвонлар ва мансаб даражаларини олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi раисига Олий мактаб ходимларига маҳсус унвонлар ва мансаб даражалари бериш ҳуқуқи берилади;

Олий мактабда ишга жалб қилинган ва малака даражаларига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судья мақоми, барча устамалар ва қўшимча тўловлар, имтиёзлар ҳамда тиббий таъминот шароитлари сақлаб қолинади;

судьялар ва уларга тенглаштирилган шахслар орасидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Олий мактабда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг устави 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқарув ходимлари чекланган сони 36 кишидан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг штат жадвали 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича “йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Олий мактаб директорига Олий мактабнинг тасдиқланган тузилмасига ходимлар белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ва Олий суди зиммасига қонун хужжатларида назарда тутилган вазифаларни бажариш билан бир қаторда қуйидаги устувор масалаларда Олий мактабни ҳар томонлама ривожлантиришга кўмаклашиш юклансин:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиш, замонавий таълим технологияларини жорий этиш;

Олий мактаб тингловчилари стажировка ўташи учун зарур шароитларни яратиш;

илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

Олий мактаб фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, хайрия бадалларини жалб этиш.

9. Олий мактабда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси (кейинги ўринларда – Маҳсус жамғарма) уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизигача миқдорда ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Маҳсус жамғарма маблағлари Олий мактаб директорининг қарорига қўра бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгилашга йўналтирилади;

Маҳсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек Олий мактаб ходимларига ҳар ойлик устамалар белгилаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши билан келишилган ҳолда Олий мактаб кенгаши томонидан белгиланади.

10. Қуйидагилар Олий мактаб фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Олий мактаб томонидан шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ишлар, таълим ва бошқа хизматлардан тушадиган тушумлар;

хорижий ва ҳалқаро ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Олий мактабга судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар мутахассислари ва бошқа мутахассисларни ўриндошлиқ тартибда ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятни амалга оширишга жалб этиш ҳуқуки берилсин.

Жалб этиладиган мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан белгиланади.

12. Судьялар олий кенгаши ва Олий мактаб уч ой муддатда:

Олий мактабга қабул қилиш ва ўқитишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин, хусусан, унда тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини билиш кўникмалари мавжудлиги зарурий талаб эканлиги назарда тутилсин;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш низомини, ўкув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда Олий мактабни ўқитишининг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига, амалий иш тажрибасига эга бўлган, биринчи навбатда, қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ходимлари ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ўтказилган штат бирликларидағи ходимлар орасидан малакали кадрлар билан тўлдирсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий мактаб ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича 2019 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларига мазкур қарордан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига:

ўқитувчилар ва тингловчиларнинг етакчи хорижий таълим ва илмий муассасаларда малака ошириш курсларини ўтиши, стажировка ўташи ва ўқишида Олий мактабга кўмаклашсин;

Олий мактабнинг буюртмалари бўйича Олий мактабнинг ўкув ва илмий жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларга консуллик ва бошқа йигимларни ундириласдан кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий мактабнинг буюртмалари бўйича Олий мактабнинг ўкув ва илмий жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларга давлат божи ундириласдан белгиланган тартибда кўп марталик кириш визаларини расмийлаштириш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек уларни вақтинчалик рўйхатга қўйиш ва вақтинчалик рўйхатда туриш муддатини узайтиришни таъминлаб борсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича Олий мактабнинг ўкув хоналари, кафедралари, ахборот-ресурс маркази ва бошқа биноларини замонавий ускуналар, алоқа ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозлашни, шунингдек Олий мактабни мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган суд-хукуқ масалаларида оид ўкув, илмий ва услубий адабиёт ва даврий нашрлар билан таъминлашни назарда тутадиган тегишли қарорни қабул қиласин.

17. Олий мактаб Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-йда жойлаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ўзгартирилаётган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг мулкини, жумладан автотранспорт воситаларини Олий мактаб балансига беғараз ўтказсин.

19. Олий мактабга тўртта енгил автотранспорт воситаси ва битта автобусни сақлаш учун лимит белгилансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2903-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсан.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсан.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринbosари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри

Ш. Мирзиёев



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “6” январдаги ПК-4096-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактабининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб) судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш учун масъул бўлган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

2. Олий мактаб ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳукуқий хужжатлар ҳамда ушбу Уставга амал қиласди.

3. Олий мактаб юридик шахс ҳисобланади, ўз балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилигига шахсий ҳисоб рақамларига, тижорат банкларида миллий ва хорижий валюталардаги банк ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, штамплар, эмблема, шунингдек қонун хужжатларига мувофиқ бошқа атрибутлар ва реквизитларга эгадир.

4. Олий мактабнинг расмий номи:

давлат тилида: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

рус тилида: Высшая школа судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан;

инглиз тилида: Supreme School of Judges under the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan.

5. Олий мактабнинг почта манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-й.

2-боб. Олий мактабнинг мақсадлари ва вазифалари

6. Бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда малакали судьялар ва судлар аппарати ходимларини тайёрлаш ҳамда одил судловнинг юкори даражасига эришиш Олий мактабнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

7. Қуйидагилар Олий мактабнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асослантирилган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш усулларини таълим жараёнига жорий этиш;

тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуллари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқук нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантириш;

мунтазам равишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

tinglovchilarни қонун ҳужжатларига киритилган долзарб ўзгартиришлар ва қўшимчалар, миллий ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати ва тенденциялари, шунингдек норма ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажриба билан таништириш;

суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

суд соҳасида олий малакали илмий ишлаб чиқариш (амалий) кадрларини тайёрлаш, шунингдек суд-ҳуқуқ фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, суд амалиёти ва статистикасини ўрганиш ва умумлаштириш, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тажриба алмашиш, таълим жараёни сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

мунтазам илмий тадқиқотларни, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий ахборотлар алмашишни йўлга қўйиш, таълим ва илмий жараёнга хорижий мутахассисларни жалб этиш, педагогик, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкасини ташкил этиш мақсадида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

З-боб. Олий мактабнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Олий мактаб ўз мақсадларига эришиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан зарур статистик маълумотлар, ахборот-таҳлилий материаллар, суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига доир умумлашмаларни олиш;

судлардан суд амалиётини умумлаштириш мақсадида ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган суд ишларини сўраб олиш;

судьялик лавозимлариға номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгashi, Баш прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

зарур ҳолларда, экспертлик, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва маслаҳат олиш учун давлат органлари, илмий ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини, олимлар, мутахассислар ва эксперталарни жалб этиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб муаммолари бўйича даврий, илмий-назарий ва амалий нашрларни чоп этиш;

маҳаллий ва хорижий олим ва эксперталар, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва адвокатларни жалб этган ҳолда тематик, жумладан халқаро форумлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар, давра сұхбатлари ташкил этиш;

педагогик фаолиятни амалга ошириш, ўқув-услубий ишлар олиб бориш, илмий тадқиқотлар ва маслаҳатлашувлар ўтказиш учун хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

Олий мактабга ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий-техник воситалар ва зарур ускуналарни харид қилиш, ижарага олиш.

Олий мактаб қонун ҳужжатлариға мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Олий мактаб таълим жараёни ва илмий-тадқиқот фаолиятини халқаро стандартлар асосида, ўқитишининг замонавий шакллари, педагогик, инновацион, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда самарали ташкил этиш учун жавобгардир.

4-боб. Олий мактабнинг тузилмаси ва бошқарув органлари

10. Олий мактаб фаолиятини ташкил этишнинг асосий масалаларини кўриб чиқиши учун Олий мактаб директори бошқарадиган Кенгаш ташкил этилади. Кенгаш таркибиға директор ўринбосарлари, кафедра мудирлари, бошқа таркибий бўлинмалар раҳбарлари, таълим ва юридик соҳалардаги етакчи олимлар ва мутахассислар, шунингдек Кенгаш котиби киради.

Кенгашнинг асосий ваколатлари куйидагилардан иборат:

ўқишига қабул қилиш ва ўқитишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомлар, ўқув режалари ва дастурлари, тингловчилар билимини баҳолаш тартиблари, шунингдек малака талабларини тасдиқлаш;

профессор-ўқитувчилар таркиби меъени белгилаш;

магистратура тингловчилари томонидан стажировка ўташ тартибини белгилаш;

магистратура тингловчиларини давлат аттестациясидан ўтказиш тартиби ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилишга доир талабларни белгилаш;

Олий мактаб ички тартиб қоидалари ва ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш;

Олий мактаб таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш;

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Олий мактабнинг фахрий доктори” унвони билан тақдирлаш;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши билан келишган ҳолда Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини, шунингдек ушбу маблағлар ҳисобидан Олий мактаб ходимларига ойлик устамалар белгилаш мезонларини тасдиқлаш.

11. Кенгаш қарори Олий мактаб директори ва Кенгаш котиби томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

12. Олий мактабга Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қиласи ва у бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси ҳисобланади.

Олий мактаб директори меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринbosарига тенглаштирилади.

13. Олий мактаб директор ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши билан келишилган ҳолда директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Олий мактаб директор ўринbosарлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринbosарларига тенглаштирилади.

14. Олий мактаб директори:

Олий мактаб фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи ҳамда Олий мактабга юклатилган вазифаларининг бажарилиши, мазкур Уставга риоя этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади, Олий мактабнинг ходимлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини белгилайди;

барча давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, шунингдек хорижда Олий мактабнинг манфаатларини ифодалайди;

Олий мактабнинг барча ходимлари ва тингловчилари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Олий мактаб ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласи;

тегишли ташкилотларнинг ходимларини ва мутахассисларни педагогик фаолиятга жалб этиш бўйича шартномалар ва контрактларни тузади;

Олий мактабнинг молиявий масалаларини ҳал этади;

ўз ваколатлари доирасида Олий мактабнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этади;

Олий мактаб номидан шартномалар тузади, шундай шартномалар тузиш учун ишончномалар беради;

ўкув жараёнини кундузги, кечки, сиртқи ва масофавий ўқитиш шакллари асосида ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси билан келишган ҳолда Олий мактабда қисқа муддатли ва бошқа курсларни ташкил этади;

штатлар жадвалини ва Олий мактабнинг таъминоти учун харажатлар сметасини тасдиқлайди, Олий мактаб тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади;

Олий мактаб ходимларига Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўкув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорида ойлик устамалар белгилайди;

Олий мактаб Кенгаши ишига раҳбарлик қиласи;

илмий-таълим муассасалар кенгашлари мажлисларида иштирок этади.

Олий мактаб директори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5-боб. Таълим жараёнини, Олий мактабнинг ўкув-методик ва илмий фаолиятини ташкил этиш

15. Олий мактаб таълим жараёнини судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ўкув режалари ва дастурлари асосида амалга оширади.

16. Судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш тингловчиларни судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш кўнимкамларига ўргатишига, судьялик кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришига қаратилган. Кадрларни тайёрлаш давлат грантлари асосида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича давлат намунасидаги диплом берган ҳолда амалга оширилади.

17. Раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш касбий билимларни чукурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўнимкамларини эгаллашшига, шунингдек ишни ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва усусларини ўзлаштиришига қаратилган. Қайта тайёрлаш курсларининг давомийлиги икки ойни ташкил этиб, тингловчиларга белгиланган намунасадаги сертификат берилади.

18. Судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш қонунчиликдаги сўнги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини етказишга, касбий, жумладан ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва кўллаш масалаларига доир кўнишка ва қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган. Малака ошириш курсларининг давомийлиги камидан икки ҳафтани ташкил этиб, тингловчиларга белгиланган намунаидаги сертификат берилади.

19. Судьялик лавозимларини эгаллашга юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун Олий мактаб магистратурасига қабул факат судьялик лавозимлари захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

20. Олий мактабга қабул қилиш, ўқитишни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби Магистратурага қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом, Раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низом ҳамда Судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низом билан белгиланади.

21. Судьялар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, вазирлик ва идораларнинг мутахассислари ва бошқа мутахассислар педагогик фаолиятга ўриндошлик тартибида ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ёхуд ўрнини тўлдириш асосида хизмат кўрсатиш шартномасига мувофиқ жалб этилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг олимлари, мутахассислари ва эксперtlари Олий мактабга ўкув, методик ва илмий ишлар олиб бориш учун шартнома (контракт) асосида хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, шунингдек Олий мактабнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жалб этилиши мумкин.

22. Илмий-тадқиқот ишлари, қоида тариқасида, шу жумладан хорижий ва халқаро грантлар ёки хўжалик шартномалари асосида ўтказилади. Шартнома асосида илмий-тадқиқот ишларини бажаришдан олинган маблағлар тегишли харажатлар қоплангандан сўнг Олий мактаб моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларни рағбатлантириш ёки ўзига юклangan бошқа вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади.

23. Таълим жараёни ўқитишнинг замонавий шакл ва усуllibарини, илғор педагогик, инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

24. Судьялар, шунингдек судлар аппарати ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6-боб. Олий мактабнинг тингловчилари

25. Олий мактаб магистратурасига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталари бўйича судьялик лавозимлари захирасида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари белгиланган тартибда қабул қилинади.

Ўқишига қабул қилиш тингловчи танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг Олий мактаб директорининг бўйруғи билан расмийлаштирилади.

26. Олий мактаб магистратураси тингловчиларига судъя ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида стипендия тўланади.

Олий мактаб магистратурасига қабул қилинган шахслар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод этилади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртacha ойлик иш ҳақи ўқиш даврида сақланади.

27. Олий мактаб тингловчилари ўкув режасида (дастурида) назарда тутилган топшириқларни белгиланган муддатларда бажаришга, Олий мактабнинг Устави, ички тартиб-қоидалари ва ахлоқ қоидаларига риоя қилишга мажбурдирлар.

28. Судъялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўкув дастурини бажармаган ёки таклиф этилган судъялик лавозимини эгаллашни рад этган тингловчилар ўқиш даврида олинган стипендия суммасини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб беради.

7-боб. Профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа ходимлар

29. Олий мактабда бошқарув, профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий, ўкув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимлари назарда тутилади.

Ходимларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек уларнинг ўзаро муносабатлари меҳнат қонунчилиги, жамоавий шартнома, меҳнат шартномалари ва мазкур Устав билан тартибга солинади.

30. Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент ва ўқитувчи лавозимлари киради.

31. Бошқарув, профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий, ўкув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари Олий мактабнинг ички тартиб-қоидалари ва ахлоқ қоидаларида, шунингдек лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

32. Олий мактаб ходимларининг мансаб маошлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

33. Олий мактабнинг маҳсус унвонлар ва мансаб даражаларига эга ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди учун белгиланган тартибда маҳсус унвонлар ва мансаб даражалари берилади, кўп йиллик хизмат учун устамалар ва қўшимча тўловлар тўланади, ушбу шахсларнинг Олий мактабда ишлаган даври эса маҳсус унвонлар ва мансаб даражаларини олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши раисига Олий мактаб ходимларига маҳсус унвонлар ва мансаб даражалари бериш ҳукуқи тақдим этилади.

Олий мактабга ишга жалб қилинган ва малака даражалариға эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судьялик мақоми, барча устамалар ва қўшимча тўловлар, имтиёзлар ва тиббий таъминот шароитлари саклаб қолинади.

Судьялар ва уларга тенглаштирилган шахслар орасидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Олий мактабда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади.

Олий мактаб профессор-ўқитувчилари таркибига – Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун, Олий мактабнинг бошқа ходимларига эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рафбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

34. Олий мактаб меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари асосида машғулотлар ўтказишга жалб этиладиган айрим юқори малакали илмий-педагогик кадрлар ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув машғулотларини ўтказиш учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорини Олий мактабнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан 100 фоизга ортиқ миқдорда белгилаш хуқуқига эга.

8-боб. Олий мактабнинг халқаро ҳамкорлиги

35. Олий мактаб суд-хуқуқ соҳасида хориждаги таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

36. Халқаро ҳамкорлик, жумладан Олий мактаб тингловчилари, ўқитувчилари ва бошқа ходимларининг хорижий мамлакатлар таълим ва тадқиқот муассасаларида стажировка ўташи, шунингдек хорижий мамлакатлар фуқароларининг Олий мактабда ўқиши белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Олий мактабнинг хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари билан шартномалари асосида, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан миллий таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида ажратиладиган грантларга мувофиқ амалга оширилади.

37. Олий мактаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Олий мактаб тингловчилари ва ходимларининг хорижий таълим ва илмий муассасаларида стажировка ўташини ташкил этади.

9-боб. Олий мактабнинг молия-хўжалик фаолияти

38. Асосий фонdlар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар), молиявий маблағлар ҳамда бюджет, бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан сотиб олинадиган турли моддий қимматликлар Олий мактабнинг мол-мулкини ташкил этади. Олий мактаб мол-мулкининг қиймати унинг балансида акс эттирилади.

39. Олий мактаб ўзига бириктирилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукуқини белгиланган тартибда амалга оширади.

40. Олий мактаб фаолияти куйидагилар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Олий мактаб томонидан шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ишлар, таълим ва бошқа хизматларни сотишдан тушадиган тушумлар;

хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

41. Олий мактаб:

Олий мактабда ўқитишига жалб этиладиган чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашни шартномаларга мувофиқ белгиланадиган миқдорларда хорижий валютада амалга ошириш;

Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси маблағларининг 50 фоизигача миқдорини ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислар учун икки томонга авиачипталар сотиб олиш (узоқ муддатли шартномалар бўлганда, бир йилда кўпи билан икки марта) харажатларини миллий валютада тўлаб бериш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларнинг яшаш харажатларини миллий валютада тўлаб бериш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, бюджет маблағлари ҳисобидан суд фаолиятининг долзарб масалалари бўйича илмий журнал чоп этиш;

зарур асбоб-ускуналар ва бошқа моддий ресурсларни харид қилиш, ижарага олиш;

ўзига тегишли мол-мулкка, жумладан интеллектуал ва бошқа турдаги мулкка, даромадларга белгиланган тартибда эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳукуқига эга.

42. Олий мактабда Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси (меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи) билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизигача миқдорида Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси ташкил этилади.

Маҳсус жамғарма маблағлари бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорида ҳар ойлик устамалар белгилашга йўналтирилади.

43. Олий мактаб маблағларини шакллантириш ва сарфлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.


44. Олий мактаб белгиланган тартибда ўз фаолияти натижаларининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисботини юритади.

10-боб. Якуний қоидалар

45. Мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Олий мактабни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

46. Мазкур Устав талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактабининг
ТУЗИЛМАСИ**



Штат бирликларининг умумий чекланган сони (техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларни ҳисобга олмаган ҳолда) – 36 бирлик, шу жумладан, профессор-ўқитувчилар таркиби – 10 бирлик, бошқарув ходимлар – 26 бирлик.

Изоҳ: техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг сони олий таълим муассасалари учун ўрнатилган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “6” январдаги ПҚ-4096-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозим номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разядлари
директор	20
директор ўринбосари	19
кафедра мудири, кафедра профессори	18
кафедра доценти	17
кафедра ўқитувчиси	16
бош бухгалтер	16
бўлим бошлиги	16
бош мутахассис	14
юрисконсульт	14
етакчи мутахассис	13

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “6” январдаги ПҚ-4096-сон карорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судъялар олий мактабининг
ШТАТ ЖАДВАЛИ**

Лавозимлар номи	Штат бирлиги сони
Директор	1
Ўқув-методик ишлар бўйича директор ўринбосари	1
Илмий ва ахборот-таҳлилий ишлар бўйича директор ўринбосари	1
Ўқув-методик бўлим	3
Бўлим бошлиғи	1
Бош мутахассис	1
Етакчи мутахассис	1
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси	2
Кафедра мудири	1
Кафедра ўқитувчisi (профессор, доцент)	1
Иқтисодий ҳуқуқи кафедраси	2
Кафедра мудири	1
Кафедра ўқитувчisi (профессор, доцент)	1
Жиноят ҳуқуқи кафедраси	2
Кафедра мудири	1
Кафедра ўқитувчisi (профессор, доцент)	1
Маъмурий ҳуқуқи кафедраси	2
Кафедра мудири	1
Кафедра ўқитувчisi (профессор, доцент)	1
Касбий кўникмалар кафедраси	2
Кафедра мудири	1
Кафедра ўқитувчisi (профессор, доцент)	1
Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази	9
Марказ бошлиғи	1
Бош мутахассис	4
Етакчи мутахассис	4
Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими	1
Бош мутахассис	1

Ахборот-ресурс маркази	1
Бош мутахассис	1
Халқаро ҳамкорлик бўлими	1
Бош мутахассис	1
Кадрлар бўлими	1
Бош мутахассис	1
Ахборот-техникавий таъминот ва масофавий ўқитиш бўлими	2
Бўлим бошлиғи	1
Бош мутахассис	1
Бухгалтерия	2
Бош бухгалтер	1
Бош мутахассис	1
Девонхона ва архив	2
Девонхона мудири	1
Архив мудири	1
Юрисконсульт	1
Жами	36

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “6” январдаги ПК-4096-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактабининг
самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича
“Йўл ҳаритаси”**

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижро чилар
I. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб) фаолиятининг ташкилий асосларини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар					
1.	Ташкилий масалаларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қўшма йиғилишини ўтказиш.	Кенгаш қарори	2019 йил 10 январгача	–	Судьялар олий кенгаши, Олий суд
2.	Олий мактабни давлат рўйхатидан ўтказиш.	Рўйхатдан ўтганлиги хақида гувохнома	2019 йил 20 январгача	–	Олий мактаб
3.	Олий мактабни, биринчи навбатда қайта ташкил этилаётган Судьялар олий кенгаши хузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ходимлари ва Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг ўтказилган штат бирликлари орасидан юқори малакали кадрлар билан тўлдириш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 марта	–	Олий мактаб, Олий суд
4.	Олий мактабнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш.	Олий мактаб директорининг бўйруғи	2019 йил 1 февралгача	–	Олий мактаб
II. Олий мактабнинг ўкув-методик жараёнини ташкил этиш					
5.	Куйидагиларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: Олий мактаб магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тўғрисида низом; судьялар ва судлар аппаратлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низом;	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 марта	–	Олий мактаб, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	магистратура, судьялар ва судлар аппаратлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурлари, шунингдек малакавий талаблар; профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини меъёrlаштириш тартиби; магистратура, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг билимини баҳолаш, магистратура тингловчиларининг стажировка ўташи, магистратура тингловчиларини давлат аттестациясидан ўтказиш тартиблари ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилишга доир талаблар.				
6.	Олий мактабнинг ўқув режалари (дастурлари)га киритилган фанлар бўйича ўқув қўлланмалар ва ўқув-методик материалларни тайёрлаш ва нашр қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Дастур лойихаси	2019 йил 1 марта	—	Олий мактаб, Олий суд, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
7.	Олий мактаб фаолиятига замонавий инновацион ўқитиш тизимини жорий этиш, унда, жумладан куйидагиларни назарда тутиш: судьялар ва судлар аппаратлари ходимларини видеоконференсалоқа ва бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кўллаган ҳолда масофавий (электрон) ўқитиш; ўқитишида имитацион моделлаштириш (далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлислари заллари)дан фойдаланиш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 августгача	Давлат бюджети маблағлари	Олий суд, Олий мактаб, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, АКТ вазирлиги
8.	Олий мактабнинг Ахборот-ресурс марказини замонавий ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар билан жиҳозлаш, шу жумладан маҳаллий ва хорижий хуқуқий ва ахборот-таҳлилий нашрларга мунтазам обуна бўлишни таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 февралгача	Давлат бюджети маблағлари	Олий мактаб, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги,

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
					Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Молия вазирлиги

III. Олий мактабнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш

9.	Одил судловни амалга оширишнинг долзарб муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни, шу жумладан миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб этган ҳолда амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Чора-тадбирлар дастури	2019 йил 1 февралгача	—	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий мактаб, Олий суд, Судьялар олий кенгаши
10.	Илмий-амалий хуқуқий нашрни ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш, уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан юриспруденция соҳасида асосий илмий-амалий натижаларни нашр қилиш учун тавсия қилинадиган илмий нашрлар рўйхатига киритиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 февралгача	Давлат бюджети маблағлари	Олий мактаб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий суд, Олий аттестация комиссияси
11.	Олий мактабнинг етакчи илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий, хуқуқий муассасалар ҳамда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотлар билан меморандумлар, ўзаро ҳамкорлик келишувларини тузиш, қўшма дастурларни амалга оширишни назарда тутувчи халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	2019 йил 1 марта	Хорижий ва халқаро ташкилотлар грантлари ҳамда Олий мактабнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий мактаб, Олий суд, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

IV. Олий мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш

12.	Олий мактабнинг биносини ўз ичига оладиган “Одил судлов саройи” мажмуасини қуришга техник топширикни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	Техник топшириқ лойиҳаси	алоҳида графикка мувофиқ	Капитал қўйилмалар лимити	Олий суд, Курилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
13.	Ажратилган маъмурий бинони таъмирлаш ва тайёрлаш.	Техник топшириқ лойиҳаси	алоҳида графикка мувофиқ	Капитал қўйилмалар лимити	Курилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олий мактаб

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
14.	Олий мактабнинг ўқув жараёнини ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан видеоконференцалоқа ва масофавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда “Электрон таълим” миллий тармоғига улаш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 апрелгача	Давлат бюджети маблағлари	АКТ вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Молия вазирлиги
15.	Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига доимий ва узлуксиз равишда киришни ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 февралгача, доимий равища	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Молия вазирлиги, Олий мактаб
16.	Олий мактабнинг имитацион суд мажлисларини ўтказиш залини, далилларни жойида кўздан кечириш жойини вазиятли машғулотлар ўтказиш учун зарур бўлган ўқитишининг замонавий инновацион воситалари билан жиҳозлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	алоҳида графикка мувофиқ	Давлат бюджети маблағлари	Судьялар олий кенгаши, Олий суд, ИИВ, АКТ вазирлиги
17.	Масофавий (электрон) таълимни ташкил этиш ва видеоконференцияларни ўтказиш учун ускуналарни харид қилиш ва ўрнатиш, шунингдек конференцалоқадан фойдаланган ҳолда масофавий таълим, онлайн тестлар ва сўровларни ўтказиш тизимини жорий этишнинг методик ва техник параметрларини, шунингдек тегишли дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиши.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	алоҳида графикка мувофиқ	Давлат бюджети маблағлари	Судьялар олий кенгаши, Олий суд, АКТ вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
18.	Олий мактабнинг Ахборот-ресурс марказини замонавий техника, зарур жиҳозлар ва қўшимча воситалар билан жиҳозлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	Олий мактабнинг буюртмасига асосан	Давлат бюджети маблағлари	АКТ вазирлиги, Олий мактаб, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги,

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
					Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Молия вазирлиги
19.	Хорижий тажриба ва хуқуқни кўллаш амалиётини ўрганиш учун зарур бўлган, хусусан, “West Law”, “Lexis Nexis” ва бошқа халқаро хукукий-маълумот тизимининг дастурий маҳсулотларини (маълумотлар базаларини) харид қилиш ва келгусида янгилаб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 августгача, доимий равиша	Давлат бюджети маблағлари	Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Молия вазирлиги
20.	Олий мактабга “Ўзбектелеком” АК билан тендер (танлов) ўтказмасдан шартнома тузиш ва уни кейинги муддатларга мустақил узайтириш хукуқини бериш орқали Олий мактабни юқори тезлиқдаги Интернет (сониясига 30 мегабитдан кам бўлмаган, unlimited) тармоғига улашни, шунингдек ички локал тармоқни ташкил этишини таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 марта, доимий равиша	Давлат бюджети маблағлари	АКТ вазирлиги, Олий мактаб, Молия вазирлиги
21.	Олий мактабнинг расмий Интернет сайтини ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 марта	Давлат бюджети маблағлари	Олий мактаб, АКТ вазирлиги, Молия вазирлиги
22.	Олий мактаб буюртмаларига асосан хизмат ва маҳсус автотранспорт воситалари учун зарур ҳажмдаги автобензин ва дизель ёқилғисини белгиланган тартибда ажратилиши ва харид қилиниши орқали Олий мактабнинг автотранспорт воситаларини босқичма-босқич янгилаш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил 15 январгача	Давлат бюджети маблағлари	Олий мактаб, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “6” январдаги ПҚ-4096-сон қарорига
6-иолова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида”ги ПҚ-2951-сон қарорининг 1-банди учинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг директори” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3240-сон қарорида:

а) 4-банди иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази (кейинги ўринларда – Марказ) директори” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб) директори” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги “Марказ” сўзи “Олий мактаб” сўзлари билан алмаштирилсин.

